



**«ЕР - СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА  
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚУЛЛАШ МУАММОЛАРИ»**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ -АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**



**2011 йил 9-10 декабрь**

**ҚАРШИ – 2011**

## СИЛЛИҚ ШИРИНМИЯ ИЛДИЗ ҲОСИЛИНИ ЕТИШТИРИШ

Ўрмонова М., ассистент,  
Бозорова Д., талаба (ТошДАУ)

Силлиқ ширинмия (*Celeryrhiza glabra* L) доривор ўсимликлар ичида энг қимматлиларидан бири бўлиб, унинг хомашёсига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бу ўсимликни экиш майдонларини хомашё, вақт ва маблағни тежаш учун кенгайтириш давр талаби бўлиб ҳисобланади. Ширинмия ўсимлиги нафақат хомашё сифатида фойдаланиш, балки уни қишлоқ хўжалиги деҳқончилигида ерни мелниоратив ҳолатини яхшиловчи, экологик мувозанатни маромлаштирувчи ўсимлик сифатида қараш ва уни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўсимликни ер устки қисми фармацевтика, қурилиш, қоғоз ишлаб чиқариш ва бошқа саноатларда қўлланиши билан бирга у энг аввало моддаларга бой бўлган тўйимли чорва-озуқаси ҳисобланади.

Қолаверса силлиқ ширинмия ўсимлиги оксид, ёғ ва бошқа кўплаб моддаларни ажратиб олишда қимматли хомашё манбайи ҳисобланади. Унинг илдиз ва илдизпоялари таркибда тритепенли санонин-глицирринзин (калийли ва калсийли тузлар, глицирринзин кислотаси 23%) моно ва дисохоридлар 20%; крахмал 34%; умумий миқдори 4,3% бўлган 30 га яқин флавоноидлар, нектин 4%, сақич 2-4%, аччиқ модда 2,4%, кумарин 2,6%, ошловчи модда 4,6%, алкалоидлар эфир ёғи 0,03%, органик кислоталар 4,6% ни ташкил этиб ва бирнечта микроэлементлар бор.

Бу ўсимликни ем-халпақ ўсимликлари билан экиб ўстириш технологияси, агротехникаси ишлаб чиқилган ва шўр ерлардаги самарадорлиги аниқланган. Лекин ширинмия ўсимлигини уруғидан экиб ўстириш агротехникаси ўрганилмаган. Шу боисдан биз 2008-2011 йиллар давомида тилик бўз тупроқлар шароитида уруғлардан экиш орқали ўстириб, тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғитлар меъёрини илдиз ҳосилига таъсирини аниқладик.

Тажриба Тош ДАУ нинг Қибрай туманидаги синов станциясида олиб борилди. Тажриба тупроққа ишлов бериш усуллари бўйича 3 га вариантда бўлиб, (10-15 см чуқурликда чизеллаш, 20-22 см ҳайдаш ва 30-35 см ҳайдаш,) ҳар бир вариантнинг умумий ер майдони 288 м<sup>2</sup> ҳисоблиси 144 м<sup>2</sup> ни ташкил қилган ҳолда, маъдан ўғитлар меъёри бўйича ( N P K 40;60;80 кг/га ); N P K 70;90;110 кг/га ва N P K 100;120;140 кг/га) 9 га вариантдан иборат, ҳар бир вариант майдони 96 м<sup>2</sup> ни, ҳисоблиси 48 м<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Эгат узунлиги 20 метр эни 4,8 метр (8 қатор) = 96 м<sup>2</sup>. Тажрибани умумий майдони (3 қайтариқда) 2592 м<sup>2</sup>.

Силлиқ ширинмия ўсимлигини “Куз ҳадияси” нави экилди. Гавсиялар бўйича силлиқ ширинмия уруғлари экиш олдида 0,0035 % ли қаҳрабо кислотасида 24 соат давомида нвитиб, 1 га ерга 15-16 кг уруғ сарифлаб 2008

йили апрель ойида тупрoкни 1,5 см чуқурлигига экилди. Тажрибадан аввал яъни 2007 йили кузида дала тупрoгининг агрохимёвий хусусиятлари аниқланди. Тупрoкни 0-30 см ли ҳайдов қатламида умумий чиринди миқдори 1,01 % ни, ҳайдов қатламида 0,998% ни ташкил қилган ҳолда умумий азот, фосфор ва калийлар муносиб равишда 0,110; 0,1004; 1,850 ва 0,098; 0,095; 1,000 % га тенг бўлди. Нитрат шаклидаги азот миқдори 17,5-11,3 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 25,2-12,4 мг/кг ни, ва алмашинувчи калий 240-200 мг/кг ни ташкил қилди.

Озика унсурларини ҳаракатчан шакилларини миқдори тупрoқда кам даражада эканлиги аниқланди. Бундай тупрoқларда қўлланилган маъдан ўғитларининг самарадорлигининг юқори бўлиши кузатилади.

УДК 633.51:631.5

### ЎЗАНИНГ АНДИЖОН-36 ВА С-6541 НАВЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТАДБИРЛАРИ.

Ражабов Н. (ЎзПТИ)

Мамлакатимизда етиштириладиган пахта толасининг ички ва ташқи бозор талаблари инобатга олинган ҳолда ўза навлари ҳосилдорлиги ва унинг сифатини ошириш, минтақалар, мисолида навлар парваришини ишлаб чиқиш, ҳамда амалиётга жорий этиш жуда муҳим бўлиб, бу каби масалаларни ҳал этишда экиладиган янги районлаштирилган ва истиқболли ўза навларини биологик хусусиятларига кўра минтақалар-вилоятлар мисолида маълум тупрoқ-иклим-мелiorатив шароитидан келиб чиқиб ўрганилиши зарур, масалан, экиладиган ёки экиш учун тавсия этилган янги ўза навларининг сув-ўғит (NPK) меъёрлари ва сугориш тартибининг ўрганилган ҳолда уларни сув танқислигига-кургоқчиликка, озикага талабининг аниқлаш айниқса сув танқислиги кузатиладиган кейинги йилларда амалий аҳамиятга эгаллиги сезилиб қолди.

Республикамизда ҳар йили истиқболли, янги ўза навлари ишлаб чиқаришга жорий этилиб, минтақалар, вилоятлар, туманлар мисолида экилиши таъминланмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мавзу асосида тайёрланган “Дастур” да белгиланган лаборатория, дала, ишлаб чиқариш тажрибаларини ЎзПТИнинг мту далаларида аввалдан сугориб деҳқончилик қилинадиган, ер ости сувлари сатҳи 8 метрдан чуқур бўлган типик буз тупрoқлар шароитида дала тажрибалари 2009-2011 йиллари ўтказилиши таъминланди.

Тадқиқотлар ЎзПТИ нинг (1981, 2007 й) услубий қўлланмаси асосида ўтказилиши таъминланди.

Тажриба 13 та вариант, 3 та такрорлашишда бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлақча 8 катордан эни-4,8 м, бўйи 100 м, майдони 480 м<sup>2</sup>, шундан ҳисоб майдони 240 м<sup>2</sup>. 4 катор, эни-2,4 м, узунлиги 100 м. Районлаштирилган ва истиқболли ўрта тозалани Андижон-36, С-6541 ўза навларининг ҳосилдорлиги икки хил ўғит меъёрларида N-160, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-112, K<sub>2</sub>O-80 ва N-190, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-133, K<sub>2</sub>O-95

кг/га, урта сугориш тартибларида ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60% да ҳамда шу сугориш режимларига нисбатан қиёсий таҳлил қилиниб сугориш олдида гўза барги шираси концентрасияси ўсув нуқтасидан учинчи ва тўртинчи барглари олиниб қўл рефрактометри ёрдамида аниқланиб ўрганилди. Тажриба тизими 1-2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

### ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Гўза навлари	сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, % да	маъдан ўғитлар меъёри, кг/га		
			N	P	K
1	C-6524	70-70-60 ХШК (ККС)	200	140	100
2	Андижон-36	65-65-60 ХШК (ККС)	160	112	80
3	Андижон-36		190	133	95
4	C-6541		160	112	80
5	C-6541		190	133	95
6	Андижон-36	70-70-60 ХШК (ККС)	160	112	80
7	Андижон-36		190	133	95
8	C-6541		160	112	80
9	C-6541		190	133	95
10	Андижон-36	70-75-60 ХШК (ККС)	160	112	80
11	Андижон-36		190	133	95
12	C-6541		160	112	80
13	C-6541		190	133	95

*Изоҳ:* Қўйилган маъдан ўғитларни турлари қўлланилди: аммиакли селитри (N-34,0%), суперфосфат, аммофос (N-12%, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> -46%) ва калий хлор (K<sub>2</sub>O-56%). Аммофос таркибидagi азот миқдорини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитларни йиллик меъёрлари қўлланилди.

2-жадвал

### Мицерал ўғитларни қўллаш муддатлари

(соф ҳолда кг/га)

Маъдан ўғитлар бериш муддатлари	вариантлар 2,4,6,8,10,12,,			вариантлар 3,5,7,9,11,13		
	N	P	K	N	P	K
кўзги шўдгордан олдин	-	75	40	-	100	50
экиш билан бирга	20	17	-	30	20	-
3-4 чинбарг чиққанда	20	-	-	30	-	-
шоналаш бошланганда	60	-	40	65	-	45
гуллаш бошлаганда	60	20	-	65	13	-
йиллик миқдори	160	112	80	190	133	95

Тажриба даласи туپроғининг агрофизикаси, туپроқ уиумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир яъни: микро-макро механик таркиби, чекланган дала нам сизими (ЧДНС), сув ўтказувчанлик, ҳажм огирлиги, туپроқ зичлиги, говаклиги, доладорлиги ва уларнинг микробиологик кўрсаткичлари гўза ўсамликлари илдири тармоқларининг жойлашуви, июн, июл, август, сентябр ойларининг 1-3 куллари физиологик кузатувларида гўзанинг ўсиши, ривожланишига боғлиқлиги ўрганилди. Ўсимликларни сув – озика тартиблари, туپроқ агрофизик хусусиятларига узвий боғлиқлиги вариантлар-тажрибалар асосида ўрганилиб, ўрганилган гўза навларидан юқори ҳосил олишга эришилди.

Барча ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва пишиши, албатта, уларни парваринидаги сув-озика меъёрларига ва сугоришлар тартибига бевосита боғлиқлиги кузатилди. Тадқиқотларимизда ўрганилаётган гўза навларининг ўсиш-ривожланишига сугориш ва озиклангирини тартибларининг таъсири мавсум бошланишидан оқ кузатувларимизда кўзга ташланди айниқса амал даври охирида янада аниқроқ кўринди. Сентябрь ойининг бошида олинган кузатувларимиз маълумотларига кўра бош пой баландлиги С-6541 гўза навида 85,8-98,4 см гача ўсганлиги кузатилди. Андижон-36 гўза навида бу кўрсаткич сув озика меъёрларига қараб мос равишда 83,8-96,7 см ни ташкил этди, кўсақлар сони Андижон-36 навида 8,8-9,3 донагача, С-6541 навида 8,9-9,6 донагача тўпланганлиги аниқланди. Сугориш олди туپроқ намлиги 70-75-60% да сугорилганда 70-70-60, 65-65-60% да сугорилганга нисбатан гўзанинг бўйи бироз ўсиб кетганлиги кузатилади. Тадқиқотларимизда С-6541 гўза навида кўсақлар Андижон-36 навида нисбатан камроқ тўпланганлиги кузатилади. Бироқ тўпланган кўсақлар тўлиқ очилиши бўйича С-6541 гўза навида устунроқ эканлиги (0,3-0,5 дона) намоён бўлди. Гўзанинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги, кўсақларнинг очиладиган муддати ва унинг сифати асосан сугориш муддатлари, сони, тизими (схемаси), давомийлиги, амал-ўсув суви ва мавсумий сугорини меъёрлари билан белгиланади.

Гўзанинг ривожланиш фазаларига қараб сугориш муддатларини тўғри белгилаш ва экинларни ўз вақтида сугориш, юқори ҳосил олишнинг энг муҳим гаровидир. Гўза гуллаш фазасигача қанча эрта сугорилса, бўйига ўсиб, шохлаб, говлаб кетади, ҳосил тугунчалари гўза туллари юқори бўғинлари-чиқарида пайдо бўлади, бу эса ҳосилнинг пишиб етилишини секинлаштиради. Гўзаларни гуллаш фазасигача тўғри сугорилиши унинг маромида ўсиши ва ривожланиши, илдири тизимининг яхши ривожланишини таъминлайди.

Сугориш олди туپроқ намлиги тартибининг бир маромида сақлаш учун сони ҳар хил ва ҳар хил меъёрда сув бериш талаб этилади, бу мавсумий сугориш меъёрининг турлича бўлишига олиб келади. Сугориш тартиби гўзанинг биологик хусусиятларига ва тезпишарлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Андижон-36 гўза навини (65-65-60%) 1-2-1, 1-3-1, 1-3-2 тизимларга кўра 4-6 марта сугорилди. Бир сугоришда 810-1130 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида 4450-5890 м<sup>3</sup>/га меъёрида сув кўйилди.

С-6541 гўза навини (70-70-60%) 1-3-1, 1-4-1, 1-4-2 тизимларга кўра 5-7 марта суғорилди. Бир суғоришда 680-940 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида 4730-5990 м<sup>3</sup>/га меъёрида сув қўйилди.

Ҳосилдорлик Андижон-36, С-6541 навларида андоза (С-6524) навиға нисбатан ўртача уч йилда 4,0-4,7 ц/га қўн ҳосил олишганлиги кузатилди, бунда Андижон-36 гўза нави 65-65-60, намликларда, мавсумий суғориш меъёри 5190 м<sup>3</sup>/га ни, NPK нинг 190-133-95 кг/га берилганда ялпи ҳосил 26,8-35,3 центнергача етди. С-6541 гўза навида эса 70-70-60% намликда мавсумий суғориш меъёри 5380 м<sup>3</sup>/га ни, ўғит меъёри NPK нинг 190-133-95 кг/га берилганда ялпи ҳосил 28,4-34,5 центнергача етди, бунда терим олди кўчат қалнинлиги 88,2-93,3 минг тул гектарига ташкил етди. Бу вариантларда бир центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув сарфи Андижон-36 гўза навида 147,0-193,7 м<sup>3</sup>/га, С-6541 гўза навида эса 155,5-190,8 м<sup>3</sup>/га ни (3-жадвал), теримлар олди битта қўсақдаги пахта вази йиллар бўйича ўртача 4,1-5,3 грами ташкил етди.

Тирик бўз тупроқлар шароитида, ер ости сувлари 8 метрдан настда бўлган ер майдонларида яқки йиллик (2009-2011 йй) илмий изланишларимизда тўйланган маълумотлар асосида қуйидагича хулосага келинди:

- эскидан суғорилиб келинаётган, ер ости сувлари сатхи узоқ жойлашган (8 метрдан қўн) типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали гўзанинг “С-6524”, “С-6541”, “Андижон-36” IV типга мансуб навларини сув-минерал ўғит (NPK) лари меъёри-нисбатларини бир мунча камайтирилган ҳолда берилиши ҳисобига юқори сифатли ҳосил олиши таъминланида гўза парварилари тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш

- районлаштирилган гўзанинг “С-6524”, янги районлаштирилган гўзанинг “С-6541” ва “Андижон-36” навларини терим олди кўчат қалнинлиги, сув-ўғит (NPK) лари меъёри-нисбатларини бир мунча (30-60 кг гача) камайтирилган ҳолда суғориш тартиблари сонини, тизими-схемасини, суғоришлар давомийлигини, амал-сувлари ва мавсумий суғориш меъёрларини мақбул норма-меъёрларини ўрганилаётган гўза навларининг ўсиши, ривожланиш фазалари бўйича тақсимланишини ўрганиш илмий асосланишини йўлга қўйиш.

- дала тажрибаларида ўрганилган гўзанинг Андижон-36, С-6541 навлари андоза С-6524 навиға нисбатан ялпи ҳосилдорлиги, тезинишарлиги, теримлар бўйича битта қўсақдаги пахта вази юқори бўлганлиги кузатилди.

- гўзанинг Андижон-36 навида мақбул 65-65-60 NPK нинг 190-133-95 меъёр нисбатларида 27,7-47,9 ц/га гача, ўртача -35,3ц/га, С-6541 навида эса 70-70-60% суғориш олди тупроқ намлигида, NPK нинг 190-133-95 меъёр нисбатларнда 29,0-42,1 ц/га гача ўртача 34,6 ц/га юқори сифатли ҳосил олишга эришилди.

- гўзанинг Андижон-36 нави эса бирмунча андоза С-6524 гўза навиға нисбатан сувсизлигига чидамлилиги кузатилди.

- Дала, ишлаб чиқариш тажрибаларида ўрганилган гўзанинг районлаштирилган “С-6541”, “Андижон-36” навларининг амал-ўсув давридаги суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% бўлганда “Андижон-36”, йиллар бўйича 1-2 (3)-1(2) тизим схемасида 4-6 маротаба амал

суви 810-1180 куб метрни; мавсумий суғориш меъёрлари эса 4450-5890 куб.метрни, суғориш режими 70-70-60% бўлганда 1-3(4)-1(2) тизим-схемасида 5-7 метрда амал суви 680-990 куб.метрни, мавсумий суғориш меъёрлари эса 4730-5990 куб.метрни суғоришларда ташкил этди. Юқоридаги амал суви, мавсумий суғориш меъёрлари мақбул вариантларда ғуза навлари бўйича юқори сифатли ҳосил олишни таъминлади;

- ер ости сувлари чуқур, ўртача оғир механик таркибли гипик бўз тупроқларда экиш схемаси 60 см ли қаторларда ғуза навлари экилган ер майдонларида эгат узунлиги йилларнинг келишига сув таъминотига қараб эгат узунлиги 60-100 метрдан ошмаслиги, эгатлардаги сув сарфи бош қисмида 0,35-0,45 л/секундгача миқдордаги оқимда, сўнгги уни 0,14-0,22 л/сек гача, суғориш сувлари эгат охирига етгач сув сарфини 0,12-0,014 л/сек гача камайтириб жилдиратиб оқизилиши таъминлаш зарур.

**Типик бўз тупроқлар шароитида ғузанинг Андижон-36, С-6541 навларининг узиши, ривожланиши, қўсақлар сони ва пахта ҳосилдорлигига сув-ўғит (NPK) меъёр-нисбатларига боғлиқлиги**

(Тошкент вилояти)

№	Ќуза навлари	Суғориш тартиби, ЧДН С %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Мавсумий суғориш меъёрлари, м <sup>3</sup> /га 2009-2011 йил ўртача	1-3 август			1-3 сентябр			Пахта ҳосили, ц/га				Сарфи, ц		
			N	P	K		Қучақ қалин-лиги минг туп/га (2009-2011 йил) ўртача	Ќуза бўйи, см	Ҳосил шохи, донд	Қўсақ сон, донд	Ќуза бўйи, см	Ҳосил шохи, донд	Қўсақ сон, донд	Ш.ж омилигани	2009 й	2010 й		2011 й	Ўртача
1	С-6524	0-70-60 ХШК (ККС)	200	140	100	5380	88,2	79,5	12,2	7,3	82,8	11,9	9,1	3,2	27,5	28,0	36,2	30,6	175,8
2	С-6536	5-65-60 ХШК (ККС)	160	112	80	5190	88,2	78,2	11,8	7,1	83,8	12,4	8,8	3,3	21,1	22,8	36,4	26,8	193,7
3	С-6536	5-65-60 ХШК (ККС)	190	133	95	5190	89,8	79,4	11,9	7,1	89,0	13,2	9,2	3,7	27,7	30,3	47,9	35,3	147,0
4	С-6541		160	112	80	5190	89,7	78,8	11,4	7,4	85,8	12,4	8,9	3,8	23,3	28,8	36,1	29,4	176,5
5	С-6541		190	133	95	5190	91,5	78,4	11,6	7,5	88,0	12,8	9,2	4	23,5	32,6	41,7	32,6	159,2

6	Идижон 36		160	112	80	5380	89,3	78,8	12,0	7	87,6	13,5	9,2	3,3	25,5	24,5	35,5	28,5	188,8
7	Маджон 30	0-70-60 ХПК (ККС)	190	133	95		91,5	78,6	11,8	6,6	89,0	13,9	9,3	3,2	27,5	32,8	43,2	34,5	155,9
8	С-6541		160	112	80		90,1	79,4	12,1	6,8	87,6	12,8	9,1	3,5	26,7	25,9	36,7	29,8	180,5
9	С-6541		190	133	95		91,5	80,2	12,3	7,4	90,8	13,9	9,6	3,8	29,0	32,7	42,1	34,6	155,5
10	Идижон 30		160	112	80	5420	92,1	79,7	12,6	7,2	93,0	13,7	8,8	3,4	23,3	25,0	39,2	29,2	185,6
11	Маджон 30	0-75-60 ХПК (ККС)	190	133	95		92,7	81,1	12,3	7,2	96,7	14,4	9,3	3,8	23,3	33,1	44,1	33,5	161,8
12	С-6541		160	112	80		93,8	79,3	12	7,4	95,3	14,4	9,2	3,6	23,1	26,2	35,8	28,4	90,8
13	С-6541		190	133	95		93,3	80,3	12,1	7,6	98,4	14,7	9,2	3,9	23,0	33,3	43,8	33,4	62,3

2009 йил  $НСР_{05}=0,7$  ц/га  $S_x=2,8\%$

2010 йил  $НСР_{05}=1,07$  ц/га  $S_x=3,7\%$

2011 йил  $НСР_{05}=0,37$  ц/га  $S_x=0,93\%$

#### УДК 633.51

### ВЛИЯНИЕ СЕРЫ НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И ПРОДУКТИВНОСТИ ПОЛЫНИ БЕЛОВАТОЙ (*Artemisia leucodes* Schrenk.)

Абзалов А.А. доцент,  
Туракулов А. магистрант (Гаш ГАУ)

Известно, что как сельскохозяйственные, так и лекарственные растения в том числе и полынь беловатая при ее возделывании нуждается во множестве различных питательных элементов.

И.В. Мосоловым (1979), В.П. Толстоусовым (1982), А.А. Абзаловым (2005) и другими исследователями выявлено положительное влияние серы при совместном внесении азотом, фосфором и калием под зерновые и лекарственные культуры. Как отмечают выше указанные исследователи сера принимает участие в синтезе аминокислот, белковых молекул, нуклеиновых кислот и других веществ. Учитывая вышеизложенное следует считать что присутствие выше названных питательных элементов в почвенной среде является необходимым условием активизации процессов обмена веществ, которые лежат в основе высокой продуктивности как сельскохозяйственных, так и лекарственных растений.

Следует подчеркнуть, что большинство почв Республики Узбекистана испытывают дефицит в сере. Кроме этого изменения ассортимента и сокращения производства серосодержащих азотных удобрений в химической промышленности привело к усилению дефицита возделываемых



	<b>БАРАБАНЛИ ЭЛЕКТР НАМЛАГИЧЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....</b>	
67	Тулаева Д.Г., Сулаймонов Г. <b>ҲОСИЛНИ ҲАШАРОТЛАРДАН АСРАШНИНГ ЭЛЕКТРООПТИК МОСЛАМАСИ .....</b>	162
68	Деммухаммадиев А.М., Бейгуллаева Р.Х. <b>СПОСОБЫ ЭЛЕКТРОСТИМУЛЯЦИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ .....</b>	164
69	Уришев Б.У., Тожиев У.Т., Муродов Н. <b>НАСОС СТАНЦИЯЛАРДА СУВ ОҚИШ ТРАКТИДА ГИДРОДИНАМИК ЗУРКИШНИ КАМАЙТИРИШ .....</b>	166
70	Жоққобилов У.У., Жоққобилов С.У. <b>УНИВЕРСАЛ ҲАВОЛИ ГИДРАВЛИК ҚАЛПОҚ – ГИДРАВЛИК ЗАРБА СЎНДИРГИЧ СИФАТИДА .....</b>	168
71	Эшдавлатов Э.У., т.ф.н., Эшдавлатов А.Э., Итолмасов Р., Назаров А. <b>ЧИГИТ ЭКИШДА АГРЕГАТ БИЛАН БЕРИЛАДИГАН СУВ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ .....</b>	173
72	Алимбаев С.А., Норкулова Ф., Бозорова Д. <b>ТОПНАМБУР ЎСИМЛИГИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ .....</b>	174
73	Убайдуллаев Ш.Р. <b>ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ АНГИЗДА ЎСТИРИЛГАН ЛОВИЯ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ .....</b>	177
74	Ўрмисова М., Бозорова Д., <b>СИМЛИК ШИРИНМИЯ ИЛДИЗ ҲОСИЛИНИ ЕТИШТИРИШ .....</b>	179
75	Ражабов И. <b>ЎЗБЕКИСТОН АНДИЖОН-36 ВА С-6541 НАВЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТАДБИРЛАРИ.....</b>	
76	Абдалев А.А., Туракулов А. <b>ВЛИЯНИЕ СЕРЫ НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И ПРОДУКТИВНОСТИ ПОЛЫНИ БЕЛОВАТОЙ (Artemisia leucodes Schrenk.) .....</b>	180
77	Жолдыбеков М.Б., Ириязаров И. <b>ВЛИЯНИЕ ГЕРБИЦИДОВ НА СОРНЫЕ РАСТЕНИЯ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ СИЛЬНОЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ ПРИАРАЛЬЯ .....</b>	
78	Муродова С.С. Сифаров М. А. <b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ГЕН МУҲАНДИСЛИГИГА АСОСЛАНГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ .....</b>	188
79	Холмуродова З.Д. <b>БУГДОЙ УРУГИНИ ЭКИШ МЕЪЁРИ .....</b>	192
80	Эриязарова Н.И. <b>БУГДОЙ БОШОҒИ ДОПЛАРИНИНГ СИЙРАКЛАНИШИ, ПУЧЛАНИШИ МУАММОЛАРИ ВА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЕЎИМЛАРИ.....</b>	194
81	Убайдуллаева Д.И., Эриязарова Н.И., <b>СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ЮМШОҚ БУГДОЙ ДОНИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТЛИК ҚЎЙМАТИНИ ЯХШИЛАШ .....</b>	196
82	Тухташев Б., Чоршаббаев У., Жамуратов Б. <b>СУВ ТАЊҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУГДОЙ ЕТИШТИРИШДА ТУПРОҚ НАМЛИГИ ЗАХИРАСINI ЯХШИЛАШ УСУЛЛАРИ .....</b>	197
83	Азямбаев С.А., Мирзаев Ш.Ф., Алимова Ш. <b>АЭТОЛИ УЎИТЛАРИНИНГ КУЗГИ БУГДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА</b>	198